

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСФАНДИЁРОВА ШАКИНА РУСТАМ ҚИЗИ**

**КОРХОНАЛАРДА РИСККА АСОСЛАНГАН ИЧКИ АУДИТ  
ЎТҚАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации на соискание ученой степени  
доктора философии (Phd) по экономическим наукам**

**Table of contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
dissertation in economic sciences**

<b>Асфандиёрова Шакина Рустам кизи</b> Корхоналарда рискка асосланган ички аудит ўтказишни такомиллаштириш .....	3
<b>Асфандиёрова Шакина Рустам кизи</b> Совершенствование проведения риск-ориентированного внутрен- него аудита на предприятиях .....	27
<b>Asfandiyyorova Shakina Rustam kizi</b> Improving risk-based internal auditing in enterprises.....	53
<b>Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати .....</b>	<b>57</b>
Список опубликованных работ List of published works	

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСФАНДИЁРОВА ШАКИНА РУСТАМ ҚИЗИ**

**КОРХОНАЛАРДА РИСККА АСОСЛАНГАН ИЧКИ АУДИТ  
ЎТҚАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.2.PhD/Iqt5483 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маматкулов Муроджон Шукурович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хожиев Мехриддин Сулаймонович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Баходиров Алишер Комилович,**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори,  
доцент

**Етакчи ташкилот**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси 39, Тел.: 71-237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси 39, Тел.: 71-237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**К.А.Чариев**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**И.О.Юнусов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, PhD,  
доцент

**Р.Д.Дусмуратов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги Бир марталик  
илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш занжирлари субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатларнинг мураккаблашуви, бизнес фаолиятини ташкил қилиш ва юритиш жараёнларида ноаниқликларнинг ортиши корхоналар олдида ички аудит ўтказиш тизимини замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш ва рискларни самарали бошқариш вазифасини кўймоқда. Риск омиллари қандай турда ва шаклларда бўлишидан қатъий назар, салбий оқибатларга олиб келувчи таҳдид ҳисобланиб, уларни замонавий рақамли технология ва мобил иловалар орқали самарали бошқариш тизимини ташкил қилиш корхоналарнинг барқарор ривожланиши учун янги имкониятлар яратишини эътироф этиш лозим. Халқаро молиявий институтлар ҳисоботларида 2024 йилда корпоратив сектор фаолиятида риск омилларининг таъсири 15-20 %га ортгани қайд этилган бўлиб<sup>1</sup>, бу иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида корхоналар фаолиятида ички аудит ўтказиш жараёнларида рискка қарши замонавий янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш ва кенг жорий этишни объектив заруриятга айлантirmoқда.

Шу боис, бугунги кунда дунё мамлакатларида молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини жаҳон ISO (Халқаро стандартлаш ташкилоти) талабларига мослаштириш, иқтисодиётнинг глобаллашуви натижасида кучаяётган рақобатлар шароитида корхоналар ички аудит тизимида рискларни бошқариш, хавфларни реал вақт режимида мониторинг қилиш, хавфлар мавжуд устувор зоналарни аниқлаш, молиявий ва операцион хатоликларни бартараф этиш, шунингдек, ички аудит жараёнларини стратегик қарор қабул қилиш тизимига интеграциялашга асосий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, АҚШ, Германия, Япония ва Сингапур каби мамлакатларда корпоратив бошқарув тизимида рискларни камайтиришга асосланган ички аудит ўтказиш механизм ва тартиб-қоидаларини жорий этиш, рақамли методлар асосида хавф индикаторларини аниқлаш ва ички аудиторлик фаолиятини баҳолашнинг стратегик бошқарувга таъсири бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда<sup>2</sup>. Халқаро амалиётда рискка асосланган ички аудит фақатгина текширув ва мавжуд хато-камчиликларни аниқлаш воситаси сифатида эмас, балки, корхоналарда хавф харитасини шакллантириш, ресурсларни устувор йўналишларга жалб этиш, ички аудит назорат муҳитини яхшилаш ва бошқарув қарорларининг панел маълумотларига асосланганлигини таъминлашга хизмат қилувчи механизмларнинг яхлит тизими сифатида қаралиши диққатга сазовор.

Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистон корхоналарида рискка асосланган ички аудит тизими ҳали халқаро талаблар даражасида тўлиқ шаклланмаган ва унинг амалий қўлланиш жараёнлари рақамли иқтисодиёт ва технологиялар шароитига мос тизимли равишда ташкил этилмаган. Аксарият ҳолларда ички аудит ўтказиш жараёнлари анъанавий текширув шаклида олиб борилиб, риск омилларининг чуқур таҳлили, устувор хавф зоналарини аниқлаш ва назорат механизмларининг

<sup>1</sup> Global financial stability report: The Last Mile: Financial Vulnerabilities and Risks. April. 2024.

<sup>2</sup> COSO. Enterprise Risk Management – Integrating with Strategy and Performance. – New York, 2017, Internal Auditing / Urton Anderson, Michael Head, Sridhar Ramamoorti. – 5th edition, 2021, Risk-Based Internal Auditing / Phil Griffiths. – London: Gower Publishing, 2020.

самарадорлиги етарли даражада баҳоланмайди. Бу эса бошқарув қарорларининг асосланмаганлиги ва сифатсизлиги, молиявий интизомнинг заифлашиши ҳамда корхона ресурсларининг мақсадсиз сарфланиши ва хавф омилларининг олдиндан бартараф этилмаслигига олиб келмоқда. Мазкур ҳолат корхоналарда замонавий, рискка асосланган ички аудит ўтказиш тартиб-қоидаларини жорий қилиш, ички назорат тизимларини такомиллаштириш, хавф туғдирувчи омилларни аниқлаш ва уларни сифатли бошқарув қарорлари билан интеграциялаш орқали коррупция ва молиявий рискларни кескин камайтириш заруратини бугунги кун тартибига олиб чиқмоқда. Ушбу зарурият ва ҳал этилишини тақозо этаётган муаммолар ўз навбатида мазкур диссертация мавзусини танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон, 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги “Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 280-сон қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий актларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корхоналарда рискка асосланган ички аудитни ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш ва замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш масалалари халқаро ва миллий миқёсда бир қатор олимлар томонидан чуқур тадқиқ этилган. Хусусан, халқаро даражада А.А.Четин, Н.Чристакоу, Д.Содерре, А.Г.Коутоупис, И.Муда, Ж.С.Ники, Ж.Ридлей, А.М.Симбири ва Л.В.Вона<sup>3</sup> ҳамда россиялик С.А.Булгаков, Ю.С.Кабанова, Г.А.Королева, М.А.Морозова, Л.С.Малкова, О.В.Стрелникова,

---

<sup>3</sup> Çetin A.A., Pamukçu A. Risk-based internal audit and corporate sustainability //academic research in social, human and administrative sciences-i. – с. 27.; Christakou Niki. Risk-Based internal audit and Data Analytics. Master’s Dissertation (M.Sc. in Applied Risk Management, specialization: Internal audit). – National and Kapodistrian University of Athens. – Athens, 2019. – 30 p.; Coderre D. Internal audit efficiency through automation. – John Wiley & Sons, Inc., 2009., Erlina E. et al. The role of risk based internal audit in improving internal audit quality //Erlina, Abdillah Arif Nasution, Idhar Yahya and Agung Wahyudhi Atmanegara, The Role of Risk Based Internal audit in Improving internal audit Quality, International Journal of Management. – 2020. – Т. 11. – №.2.; Koutoupis A.G. et al. Risk based internal audit at Greek listed shipping companies of New York stock exchange //Journal of Accounting and Taxation. – 2020. – Т. 12. – №.4. – С. 135-144.; Muda I. et al. Determinants of the implementation of risk-based internal auditing in regencies-/cities in North Sumatera province //International Journal of Civil Engineering and Technology. – 2018. – Т. 9. – №.5. – С. 1360-1372.; Niki C., Dotsis G. Master of science in applied risk management Specialization: Internal audit. – 2019.; Ridley J. Cutting Edge Internal auditing. – Chichester: John Wiley & Sons, 2008. – 422 p.; Simbiri A.M., Maniagi M., Edwin J.S. Influence of Internal audit Risk Planning Practices on the Financial Performance of SACCOs in the Western Region of Kenya // African Journal of Empirical Research. – 2023. – Vol. 4, Iss. 2. – pp. 526-535.; Vona L.W. Fraud Risk Assessment: Building a Fraud Ichki audit Program. – Hoboken, New Jersey: John Wiley & Sons, 2008. – 203 p.

С.С.Чикурова ва Д.Н.Шабанова<sup>4</sup>, шунингдек, маҳаллий Н.Б.Абдусаломова, Р.Д.Дусмуратов, Ш.И.Илхамов, Н.Ф.Каримов, И.Н.Қўзиёв<sup>5</sup> каби иқтисодчи олимлар ички аудит ўтказиш тизими ва рискларни бошқариш, назорат механизмларини такомиллаштириш ва уларни миллий шароитга мослаштириш йўналишларида муайян илмий натижаларга эришганлар.

Шу билан бирга, мавжуд тадқиқотларда корхоналарда рискларни замонавий усуллар асосида чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг натижаларини ички аудит жараёнларига интеграция қилишнинг методологик асослари ва рақамли технологияси етарлича ишлаб чиқилмаган. Хусусан, риск индикаторларини устуворлик даражасига қараб аниқлаш ва таснифлаш, ички аудит жараёнларини стратегик бошқарув тизими билан интеграциялаш, ички назорат тадбирлари самарадорлигини баҳолаш ҳамда рискка асосланган ички аудит натижаларини реал вақт мониторинг тизимида мақсадли ва манзилли қўллаш бўйича мавжуд илмий изланишлар иқтисодиётни рақамлаштириш талабларига етарли даражада жавоб бермаслигини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, халқаро илғор тажрибаларни миллий шароитга мослаштириш, риск хариталари асосида ички аудит ўтказиш стратегиясини шакллантириш, ички аудит натижаларини KRI (key risk indicators) ва бошқарув индикаторлари билан боғлиқ ҳолда баҳолашга оид ишлаб чиқилган тавсиялар ижросини амалий механизмлар орқали таъминлаш борасидаги илмий ишланмалар ҳам ўз ечимини топмаган. Шу муносабат билан, мазкур диссертация иши мавжуд илмий-назарий қарашларни мантиқан бойитиш, корхоналарда рискка асосланган ички аудитни замонавий усуллар ва технологиялар асосида такомиллаштиришга қаратилган инновацион услубий-амалий моделларни ишлаб чиқиш ва уларни корхоналар фаолиятига самарали жорий этишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида.

---

<sup>4</sup> Булгаков С.А. Развитие методического обеспечения внутреннего контроля бизнес-процесса “Закупки” в коммерческих организациях на основе риск-ориентированного подхода: авт. ... дисс. к.э.н. – Ростов-на-Дону, 2022. – 26 с.; Кабанова Ю.С. Методический инструментарий оценки риска в аудите: авт. ... дисс. к.э.н. – Москва, 2021. – 27 с.; Королева Г.А., Морозова М.А. Риск-ориентированный подход к внутреннему аудиту: опыт и проблемы//Вестник Тверского государственного университета. Серия: Экономика и управление. – 2019. – №3 (47). – С. 16-23.; Малкова Л.С. Методы и модели риск-ориентированного внутреннего аудита промышленного предприятия: авт. ... дисс. к.э.н. – Санкт-Петербург. 2011. – 20 с.; Чикурова С.С. Внутренний аудит рисков формирования оценочных резервов и обязательств в коммерческих организациях: авт. ... дисс. к.э.н. – Москва, 2019. – 26 с.; Шабанова Д.Н. Разработка метода проведения аудита системы управления охраной труда предприятий машиностроения на основе риск-ориентированного подхода: авт. ... дисс. к.э.н. – Ростов-на-Дону, 2019. – 24 с.

<sup>5</sup> Abdusalomova N.B. Ichki ichki audit asoslari. - T.: Iqtisod-Moliya, 2017. – 224 b. Ахмаджонов К.Б. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш: авт. ... дисс. и.ф.д. – Т.: 2016. – 76 б.; Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003. – 612 б.; Илхамов Ш.И. Ички аудитни ташкил этиш концепцияси//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. №6, noyabr-dekabr, 2021. – Б. 72-79.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: авт. ... дисс. и.ф.д. Тошкент.: ЎзР Банк- молия академияси, 2009. – 32 б.; Қўзиёв И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш: авт. ... дисс. и.ф.д. – Т.: 2017. – 70 б.

**Тадқиқот мақсади** корхоналарда рискка асосланган ички аудит ўтказишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

корхоналарда рискка асосланган ички аудит ўтказишнинг назарий-услубий асосларини таҳлил қилиш ва уларнинг ривожланиш босқичларини аниқлаш, анъанавий ёндашувлардан фарқли жиҳатларини асослаш;

ички аудит тизимида риск омилларини аниқлаш ва баҳолаш мезонларини халқаро стандартларга мос такомиллаштириш, хавф турларини таснифлаш ҳамда уларнинг корхоналар барқарор ривожланишига таъсирини аниқлашнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

ички аудит ўтказиш жараёнларида риск индикаторлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва таъсир этиш жиҳатларини аниқлаш, уларни мониторинг қилиш усуллари таъсирини таҳлил қилиш ва реал вақт режимида хавфларни олдиндан баҳолаш бўйича методологик ёндашувларни шакллантириш;

ички назорат муҳитининг рискка асосланган ички аудит жараёнларига таъсирини баҳолаш ва корхона ички назорат тизимини ички аудит стратегияси билан узвий интеграциялаш йўлларини асослаш;

рискка асосланган ички аудитнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш, унда рискларни баҳолаш, устуворликларни аниқлаш ва ички аудит режасини шакллантиришнинг комплекс механизмларини таклиф этиш;

корхоналарда рискни камайтиришга қаратилган ички аудит тартибларини оптималлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва янги бошқарув механизмларини яратиш бўйича илмий асосланган ёндашувларни ишлаб чиқиш;

ички аудит жараёнида стратегик ва операцион рискларни бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, ички аудит натижаларини корхона фаолияти бошқарув қарорларига интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш;

рискка асосланган ички аудитнинг корхонанинг стратегик барқарорлиги ва молиявий интизомига таъсирини эмпирик баҳолаш ҳамда унинг натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида мамлакатимиздаги ички аудит тизими мавжуд хўжалик юритувчи субъектлар танланган. Алоҳида монографик тадқиқотлар “Uzbekistan Airways” ОАЖ, “Uzbek leasing international A.O” АЖ, “O‘zagrolizing” АЖ, «Gross insurance» ОАЖ каби ташкилотларда олиб борилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни корхоналарда рискка асосланган ички аудитни ўтказиш жараёнида иштирок этувчи юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, иқтисодий-статистик таҳлил, таққослаш, монографик ўрганиш, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

корхоналар фаолиятида рискка асосланган ички аудитни ўтказиш тартиб-қоидаларини халқаро стандарт талабларига мослаштириш орқали риск турлари таъсирини баҳолаш, унинг натижаларини ички аудит режасига интеграциялаш

моделли ишлаб чиқилган ва унинг бошқарув қарорлари билан узвий боғлиқлик жиҳатлари илмий асосланган;

жорий ички аудитни ўтказиш натижаларига асосан корхонанинг кейинги фаолиятида вужудга келиш эҳтимоли мавжуд хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларни устуворлик даражасига кўра таснифлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

корхоналарда ички аудитни ўтказиш жараёнида рискларни реал вақт режимида мониторинг қилиш ва унинг натижалари асосида хавфларни бартараф этишга оид илмий асосланган услубий-амалий ечимлар ва индикаторлар тизими таклиф этилган;

корхона ички аудитини ўтказиш натижаларининг стратегик барқарорлигини таъминлаш мақсадида рисклар таъсирини прогнозлаш ва баҳолаш модели ҳамда уни амалга ошириш функциялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

корхона фаолияти ички аудит натижаларини комплекс баҳолаш ва устувор хавф ҳолатларини аниқлаш имконини берувчи интеграл риск индикаторлари тизими ишлаб чиқилган;

ички аудит объектларини хавф даражасига кўра табақалаш мақсадида кўп ўлчовли хавф сегментация алгоритми ишлаб чиқилган ва ундан ички аудит ўтказиш режаси доирасида корхонанинг иқтисодий ривожланиш даражасига мос равишда мақсадли ва манзилли фойдаланишнинг устувор йўналишлари тавсия этилган;

корхона самарадорлигига салбий таъсир этувчи кўп омилли риск турларини камайтириш иқтисодий кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқловчи функционал ички аудит – риск модели ишлаб чиқилган;

ички аудит ўтказиш жараёнида хавф туғдирувчи рискларни бошқариш ва тизимли таҳлил қилиш усуллари ва тартиб-қоидаларини рақамли технологиялар асосида босқичма - босқич автоматлаштириш мақсадида алгоритмли ички аудит модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** диссертацияда фойдаланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ва республикадаги акциядорлик жамиятлари, шунингдек, Ўзбекистон ички аудиторлар Палатасининг расмий маълумотларидан фойдаланганлиги ҳамда ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларнинг “Uzbekistan Airways” АЖ, “Uzbek leasing international A.O” АЖ, “O‘zagrolizing” АЖ, “Gross insurance” АЖ ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти**, биринчидан, корхоналарда рискка асосланган ички аудитни замонавий тамойиллар асосида шакллантириш, риск омилларини аниқлаш ва баҳолаш, ички аудит фаолиятини ички назорат ва стратегик бошқарув тизими билан ўзаро интеграциялаш, иккинчидан, корхона фаолиятидаги рискларни устуворлик даражаси бўйича аниқлаш ва баҳолаш, хавф индикаторларини шакллантириш, ички аудит жараёнидаги стратегик бошқарув билан уйғунлаштиришга асосланган янги методологик ёндашувларга оид тавсиялар ишлаб чиқишда қўллаш жиҳатлари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** шундан иборатки, таклиф

этилган индикаторлар тизими, риск устуворлик индекси ва реал вақт мониторинг алгоритмлари ички аудит жараёнининг кенг қамровлиги, аниқлиги ва сифатини ошириб, ички аудитни нафақат корхона фаолиятини комплекс текшириш, хатокамчиликларни аниқлаш, балки, стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш воситаси ва ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Корхоналарда рискка асосланган ички аудит ўтказишни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

корхоналар фаолиятида рискка асосланган ички аудитни ўтказиш тартиб-қоидаларини халқаро стандарт талабларига мослаштириш орқали риск турлари таъсирини баҳолаш, унинг натижаларини ички аудит режасига интеграциялаш модели ишлаб чиқилган ва унинг бошқарув қарорлари билан узвий боғлиқлик жиҳатлари “Uzbekistan Airways” АЖ, “Gross insurance” АЖ, “O‘zagrolizing” АЖ, “Uzbek leasing international A.O” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Uzbekistan Airways” АЖнинг 2025-йил 22-августдаги 11-1807-1.14-сон, “Gross insurance” АЖнинг 2025-йил 26-августдаги 01/900-сон, “O‘zagrolizing” АЖнинг 2025-йил 3-декабрдаги 02-06-2025/1672-сон ва “Uzbek leasing international A.O” АЖнинг 2026-йил 6-январдаги UL/2145/001-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга татбиқ этиш натижасида корхона фаолиятида хавфларни комплекс таҳлил қилиш, устувор сегментларга асосланган ички аудит режаси ва бошқарув қарорларини илмий асослаш имкони яратилди, бу эса ички аудит самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

жорий ички аудитни ўтказиш натижаларига асосан корхонанинг кейинги фаолиятида вужудга келиш эҳтимоли мавжуд хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларни устуворлик даражасига кўра таснифлаш мезонлари “Uzbekistan Airways” АЖ, “Gross insurance” АЖ, “O‘zagrolizing” АЖ, “Uzbek leasing international” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Uzbekistan Airways” АЖнинг 2025-йил 22-августдаги 11-1807-1.14-сон, “Gross insurance” АЖнинг 2025-йил 26-августдаги 01/900-сон, “O‘zagrolizing” АЖнинг 2025-йил 3-декабрдаги 02-06-2025/1672-сон ва “Uzbek leasing international A.O” АЖ нинг 2026-йил 6-январдаги UL/2145/001-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни татбиқ этиш натижасида корхоналарда рискларни аниқлаш ва устуворлаштириш жараёнлари такомиллаштирилган, бу эса хавф даражасига қараб ички аудит ресурсларини самарали йўналтириш ва назорат механизмларини кучайтиришга олиб келган;

корхоналарда ички аудитни ўтказиш жараёнларида рискларни реал вақт режимида мониторинг қилиш ва унинг натижалари асосида хавфларни бартараф этишга оид илмий асосланган услубий-амалий ечимлар ва индикаторлар тизими бўйича таклифи “Uzbekistan Airways” АЖ, “Gross insurance” АЖ, “O‘zagrolizing” АЖ, “Uzbek leasing international A.O” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Uzbekistan Airways” АЖнинг 2025-йил 22-августдаги 11-1807-1.14-сон, “Gross insurance” АЖнинг 2025-йил 26-августдаги 01/900-сон, “O‘zagrolizing” АЖнинг 2025-йил 3-декабрдаги 02-06-2025/1672-сон ва “Uzbek leasing international A.O” АЖнинг 2026-йил 6-январдаги UL/2145/001-сон маълумотномалари). Ушбу тизимни татбиқ этиш натижасида рискларни тезкор аниқлаш ва уларнинг таъсирини олдиндан баҳолаш имконияти яратилиб, ички аудит жараёнларининг

аниқлиги ва бошқарув қарорларининг тезкорлигини ошириш имконияти яратилган;

корхона ички аудитини ўтказиш натижаларининг стратегик барқарорлигини таъминлаш мақсадида рисклар таъсирини прогнозлаш ва баҳолаш модели ҳамда уни амалга ошириш функциялари “Uzbekistan Airways” АЖ, “Gross insurance” АЖ, “O‘zagrolizing” АЖ ва “Uzbek leasing international A.O” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Uzbekistan Airways” АЖнинг 2025-йил 22-августдаги 11-1807-1.14-сон, “Gross insurance” АЖнинг 2025-йил 26-августдаги 01/900-сон, “Uzbek leasing international A.O” АЖ нинг 2026-йил 6-январдаги UL/2145/001-сон ҳамда “O‘zagrolizing” АЖнинг 2025-йил 3-декабрдаги 02-06-2025/1672-сон маълумотномалари). Ушбу моделни татбиқ этиш натижасида стратегик хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларни бошқарув қарорларида ҳисобга олиш имкониятларидан фойдаланиш корхоналарнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсида ўтказилган жами 7 та илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, жами 149 бетда баён этилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Корхоналарда рискка асосланган ички аудитни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида рискка асосланган ички аудитни ўтказиш концепцияси, рискларни аниқлаш ва уларни бошқарув қарорларига интеграциялаш, рискка асосланган ички аудитни ташкил этиш асослари баён қилинган.

“Риск” тушунчаси иқтисодий ва бошқарув тизимларида қарор қабул қилиш жараёнининг ажралмас элементи сифатида эҳтимолий йўқотиш, ноаниқлик ёки кутилмаган салбий ҳолатларни англатади. Корхона фаолиятида рисклар асосан ишлаб чиқариш, молиялаштириш ва стратегик режалаштириш йўналишларида

юзга келади. Демак, рискларни бошқариш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш замонавий менежментнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Зотан, ички аудит дастурларини замон талабларига мос ишлаб чиқиш ва мослаштириш ҳам, ўз навбатида, вужудга келадиган рискларни баҳолаш натижаларига асосланади. Ички аудиторлар эса уларни ҳисобга олган ҳолда ички аудит ўтказиш режасига динамик тарзда тузатиш киритиш имконига эга бўлади. Кетма-кет амалга ошириладиган бу жараён реал вақт режимидаги хавфларни аниқлаш ва уларга қарши тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Яъни, доимий янгиланиб боровчи риск рўйхати асосида ички аудит босқичма-босқич оптималлаштирилади, янги аниқланган хавфлар асосида ички аудитни ўтказиш мақсади ва вазифалари белгилаб олинади. Ушбу ёндашув айниқса, ўзгарувчан ташқи муҳит, масалан, пандемия, молиявий инқирозлар, шунингдек, янги усул ва технологияларни жорий этиш шароитида долзарбдир.


Замонавий рискка асосланган ички аудит модели рискларни учта даражада кўриб чиқади. Жумладан, 1) стратегик хавфлар - бу ташкилотнинг узоқ муддатли мақсадларига эришишига тўсқинлик қиладиган ташқи омиллар; 2) операцион хавфлар, яъни, кундалик фаолиятда юзага келадиган хатоликлар ёки тизимли муаммолар ва 3) молиявий хавфлар нотўғри бухгалтерия ҳисоботи, фирибгарлик ёки солиқ сиёсатидаги хатолар билан боғлиқдир.

Ушбу умумий хавфлар аниқлангандан кейин, рискларни тоифалаш босқичи бошланади ва бунда уларнинг ҳар бирини юзага келтирувчи сабабларнинг таъсир кўрсатиш ва эҳтимоллик даражаси ҳамда хавф остида қолаётган фаолият соҳаси аниқланади. Кейинги босқичда уларни баҳолаш орқали рискларни устуворлик даражаси бўйича тоифали ажратиш амаллари бажарилади. Рисклар тоифаларини тавсифлашда ҳар бир рискнинг юзага келиш тарихи, олдинги фаолият йилларда аниқланган муаммолар ва улар бўйича бажарилган чоралар ҳам ҳисобга олинади.

Корхона фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган молиявий, операцион ва стратегик хавфларни аниқ мезонлар асосида аниқлаш механизми муҳим рол ўйнайди, чунки, ички аудит тизимининг самарали ишлаши учун у бошқа бизнес-функциялар билан узвий интеграциялашган бўлиши зарур. Бу эса ички аудит ўтказувчи субъектни мустақил ва юқори даражадаги ташкилот сифатида эмас, балки корхонанинг умумий бошқарув тизимига интеграциялашган ва рақамли трансформациялашган тизим сифатида кўриш лозим. Интеграциялашган рискка асосланган ички аудит ўзига хос модел бўлиб, у ички назорат тизими, стратегик режалаштириш ва рискларни бошқариш моделларини ягона ички аудит моделига бирлаштиради. Ушбу модел, ўз навбатида, “ERM-Enterprise Risk Management” платформаларига интеграция қилинган ҳолатда ишлайди. Интеграциялашган ички аудит модели стратегик ва операцион хавфларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, ички аудит доирасини кенгайтиради ва корпоратив бошқарувда мақбул қарорлар қабул қилинишини таъминлаб беради (1-расм).

Ички аудит тизимида рисклар асосан икки асосий услубий ёндашув, яъни, сифат (эксперт) баҳолаш ва миқдорий (рақамли) баҳолаш орқали баҳоланади. Бу

икки ёндашув ўзаро бир-бирини тўлдиради ва ички аудиторларга хавфларни реал баҳолаш, уларнинг устуворлик даражасини аниқлаш ҳамда ресурсларни оқилона тақсимлаш имконини яратади.



1-расм. Интеграциялашган ички аудит модели<sup>6</sup>

Рискларни сифат баҳолаш ёндашуви кўпроқ ички аудиторларнинг касбий малака ва тажрибаси, эксперт фикрлари ва субъектив кузатувларига асосланади. Унда ҳар бир хавф субъектив мезонлар бўйича юқори, ўрта ва паст хавф даражасида аниқланади. Ушбу табақалаштириш усули осон, тезкор ва мослашувчан бўлиб, айниқса, маълумот етишмайдиган шароитларда фойдалидир.

Миқдорий баҳолашда эса, хавфлар аниқ математик, статистик ёки балл тизимларига асосланади. Миқдорий баҳолашда ҳар бир риск эҳтимоли ва таъсир даражаси аниқ рақамларда ифодаланади, бу эса уларни солиштириш ва шунга

<sup>6</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

асосан тегишли мақбул қарорлар қабул қилиш имкониятини яратади. Рискларни баҳолаш натижалари нафақат корхона ички аудит режаларини иқтисодий интеграция ва трансформация жараёнларига мослаштириш, балки уларнинг аниқлиги ва сифатини ошириш, юқори қўшилган қиймат яратувчи стратегик ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш ва самарали фаолият юритиш имкониятларини янада кенгайтиради. Риск асосидаги режалаштириш орқали ташкилотда назорат кучаяди, бошқарув қарорлари далилларга таянган бўлади ва ички аудитнинг ўрни корпоратив бошқарувнинг ажралмас элементи сифатида мустаҳкамланади. Ички аудит режасига киритиладиган фаолиятлар хавф даражасига кўра, устуворлик билан тартибланади. Ташкилот фаолиятида юзага келаётган ўзгаришларга қараб ички аудит режалари қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бундай мослашувчанлик ички аудиторларга долзарб муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Корхоналарда рискка асосланган ички аудитни ташкил этиш амалиёти”** деб номланган иккинчи бобида корхона амалиётида ички аудит ўтказиш жараёнларини самарали ташкил қилишга таъсир этувчи хавфлар таҳлил этилган, уларни устуворлик даражаси бўйича тоифаларга бўлиш, хавф кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва ички назорат муҳитини баҳолаш борасида услубий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Замонавий мониторинг юритишнинг бизнес таҳлили (business intelligence) ва корхона ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш (enterprices resource planning) тизимлари ёрдамида ички аудит соҳасида тезкор хавфларни аниқлаш имконияти мавжуд. Бу тизимлар орқали фаолиятдаги огоҳлантириш сигналлари, хатоликлар, кечикишлар ва операцион узилишлар аниқланади ҳамда реал вақт режимида ички аудиторлар томонидан баҳоланади. Шу билан бирга, улар ҳар бир ички аудит объектининг фаолият йўналишига хос риск турларини аниқлаш ва баҳолаш ички аудитор учун муҳим восита ҳисобланади. Масалан, “O‘zagrolizing” АЖДа, 2022 йилда техника воситаларининг кечикиб топширилиши ва захира қилинадиган асбоб-ускуна ва жиҳозлар импортидаги узилишлар асосий хавф туғдирувчи омиллар сифатида қайд этилган. Шу сабабларга кўра, ички аудит ушбу омилларга боғлиқ кўрсаткичлар таҳлиliga асосланган ҳолда текширув объектларини белгилаган.

Тадқиқот жараёнида бир нечта фаолият тури бўйича хавф кўрсаткичлари аниқланди. Таҳлил натижалари шунини кўрсатадики, ҳар бир тармоқ ёки соҳада хавф омиллари фаолият йўналишларига қараб фарқланади ва уларни доимий мониторинг қилиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, техника эскириши, бозор конъюнктурасининг ўзгарувчанлиги, молиявий ноаниқлик ва хизматлар сифатининг пасайиши корхоналар барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, содир бўлиш эҳтимоли мавжуд хавфларни эрта аниқлаш ва самарали ички аудит назорат механизмларини жорий этиш корхона фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади (2-расм).

Фаолият тури	Асосий хавф кўрсаткичлари	Хавф сабаблари
 Ишлаб чиқариш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш (%)</li> <li>Носоз ускуналар сони</li> <li>Хомашё захиралари даражаси</li> </ul>	 <ul style="list-style-type: none"> <li>Жиҳозларнинг эскирганлиги</li> <li>Етказиб берувчилардаги узвишлар</li> </ul>
 Транспорт-логистика	<ul style="list-style-type: none"> <li>Транспорт воситаларининг носозлик сони</li> <li>Юк етказишдаги кечикишлар</li> </ul>	 <ul style="list-style-type: none"> <li>Техник хизмат кўрсатишнинг етарли эмаслиги</li> <li>Йўл шароити</li> </ul>
 Савдо	<ul style="list-style-type: none"> <li>Омбор захиралари айланмаси</li> <li>Реализация режаларининг бажарилиши</li> </ul>	 <ul style="list-style-type: none"> <li>Талабнинг ўзгарувчанлиги</li> <li>Маркетинг стратегиясининг самарасизлиги</li> </ul>
 Банк ва молия	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кредит портфели сифати</li> <li>Мижозлар кредитига тўлов интизоми</li> </ul>	 <ul style="list-style-type: none"> <li>Кредит баҳолашдаги хатоликлар</li> <li>Макроиктисодий ноаниқлик</li> </ul>
 Туризм	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мижозлар сони</li> <li>Брон қилиш даражаси</li> <li>Хизматдан норозилик шикоятлари</li> </ul>	 <ul style="list-style-type: none"> <li>Мавсумийлик</li> <li>Хизмат сифатининг пастлиги</li> </ul>
 Сугурта	<ul style="list-style-type: none"> <li>Сугурта тўловлари бўйича даъвока сони</li> <li>Рад этилган даъволар фонзи</li> <li>Зарар миқдори</li> </ul>	 <ul style="list-style-type: none"> <li>Фирибгарлик ҳолатлари</li> <li>Рискларни баҳолашдаги камчиликлар</li> </ul>

2-расм. Фаолият йўналишларига хос хавфлар тизими<sup>7</sup>

Рискка асосланган ички аудитда хавф кўрсаткичларини устуворликларга қараб бўлиш миқдорий (баллик) усул орқали аниқланади. Энг кўп учрайдиган услубий ёндашув бу “Эҳтимол × Оқибат” модели бўлиб, ҳар бир хавфнинг юзага келиш эҳтимоли ва таъсир кучи алоҳида баллик шкалада баҳоланиб, хавфлар устуворлик бўйича ажратилади. Хавфнинг вужудга келиш эҳтимоллик даражаси 1-5 оралиғида ва таъсир даражаси ҳам 1-5 оралиғида белгиланади (1-жадвал).

1-жадвал.

Хавфларнинг устуворлик даражасига нисбатан бўлиниши<sup>8</sup>

Юзага келиш эҳтимоли		Таъсир даражаси	
Эҳтимол даражаси	Балл	Зарар даражаси	Балл
Жуда паст (йилига 1 мартадан кам)	1	Жуда кичик (молиявий таъсир деярли йўқ)	1
Паст	2	Кичик	2
Ўрта	3	Ўрта	3
Юқори	4	Юқори	4
Жуда юқори (тез-тез)	5	Жуда юқори	5

“Эҳтимол × Оқибат” моделида умумий балл 1 дан 25 гача оралиқда бўлади. Ушбу усул барча хавфларни устуворлик бўйича тартибланиш имконини беради ҳамда риск балли аниқланади. Риск баллини ҳисоблаш амали юқоридаги икки кўрсаткични кўпайтириш орқали аниқланади. Яъни, “Риск бали = Эҳтимол даражаси × Таъсир даражаси” (2-жадвал).


<sup>7</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

<sup>8</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

**Риск бали асосида хавфларни 3 даражали интервалли  
кўрсаткичлар бўйича ажратиш тартиби<sup>9</sup>**

Риск бали (5×5 матрица бўйича)	Устуворлик даражаси	Тавсия
<b>15-25</b>	Юқори (критик)	Зудлик билан бошқариш чораларини кўриш
<b>6-14</b>	Ўрта (муҳим)	Доимий мониторинг ва профилактик чоралар жорий қилиш
<b>1-5</b>	Паст (қабул қилса бўладиган)	Оддий назорат, даврий қайта баҳолаш

Ички аудит жараёнида рискларни самарали баҳолаш ва уларни устуворлик даражаси бўйича аниқлашда график воситалардан фойдаланиш, хусусан, “Хавф матрицаси” ва “Иссиқлик харитаси” асосий аналитик воситалар ҳисобланади. Ушбу воситалар ёрдамида корхона фаолиятидаги хавф зоналари аниқ кўринишда тасвирланади ва ички аудиторлик фаолиятини уларга мос тарзда йўналтириш таъминланади. Тадқиқотда келтириб ўтилган риск балини аниқлаш орқали, ушбу балларнинг натижасини визуаллаштириш мумкин бўлади. Яъни, “Эҳтимол ва оқибат” модели рискни ҳисоблайди, риск матрицаси уни таснифлайди, иссиқлик харитаси эса натижани визуал шаклда ифодалайди. Шу ёндашувларга таянган ҳолда, тадқиқотда “Uzbekistan Airways” АЖнинг 2024 йилдаги молиявий ҳисобот кўрсаткичлари таҳлил қилинди (3-расм).




**3-расм. “Uzbekistan Airways” ОАЖнинг хавф матрицаси<sup>10</sup>**

Таҳлилларга кўра, ушбу ташкилот фаолияти учун асосий хавф валюта курси ўзгариши (юқори даражалари хавф) билан боғлиқ бўлган. Иккинчи даражали хавф бу “лизинг қарзлари” деб белгиланган ҳамда паст даражалари хавф сифатида операцион даромадларнинг мавсумий тебраниши эканлиги аниқланди.

<sup>9</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

<sup>10</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, иссиқлик харитаси технологияси ички аудит натижаларининг аниқлиги ва ишончилигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Зотан, унинг ёрдамида корxonанинг фаолият юритиш жараёнлари бўйича барча хавфлар визуал шаклда акс этирилади ва бунда юқори хавфли зоналар рангли сегментлар орқали ажратиб кўрсатилади. Бу нафақат хавфнинг мавжудлигини, балки унинг таъсир доираси ва эҳтимолий оқибатларини тезкор баҳолашга имкон яратади ва аниқланган риск балли орқали ресурсларни хавфли зоналарга йўналтириш имконияти яратилади (4-расм).



**4-расм. “Uzbekistan Airways” АЖнинг иссиқлик харитаси<sup>11</sup>**

Иссиқлик харитасида риск баллари тегишли рангларда тасвирланган ва бунда қизил ранг – юқори хавф, сариқ ранг – ўртача хавф, оч ранг – паст хавфни билдиради. Ушбу визуализация орқали ички аудиторлар хавфларни кузатиб, онлайн мониторинг қилиш имкониятига эга бўладилар. “Онлайн” мониторингни ички аудит жараёнига интеграция қилиш хавфларни нафақат аниқлаш, балки, уларни реал вақтда бошқариш, устуворликларни белгилаш, бошқарувга тезкор ахборот узатиш ва стратегик қарорлар қабул қилишни таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, корxonанинг барқарорлиги ва операцион хавфсизлигини оширади.

Умуман, рискка асосланган ички аудит модели замонавий ташкилотларда хатарларни тизимли равишда аниқлаш, баҳолаш ва бошқарув қарорларига интеграциялаш жараёнида марказий ўрин тутаяди. Бу модел ташкилот ичида “хатарлар харитаси” ни яратишга хизмат қилиб, ҳар бир фаолият йўналиши бўйича мавжуд хавфларни визуализация қилишга имкон беради. Бундай харита асосида ички аудиторлар фаолиятдаги заиф жиҳатларни аниқлаб, уларни назорат механизмлари орқали бартараф этиш йўллари таклиф қиладилар.

Ички аудит объектларида хавф даражасини аниқловчи асосий параметрлар ички аудитнинг рискка асосланган ёндашуви текширувларнинг йўналишини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу параметрлар, бир томондан, объект фаолиятида мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқласа, иккинчи томондан, ички аудит ресурсларини қаерга йўналтириш кераклигини белгилаш ва корxonанинг рентабелли иш юритиши учун имкониятлар яратади. Бунда, масалан, биринчидан, рентабеллик коэффициенти ички аудит объекти

<sup>11</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

бўлган корхона ёки унинг муайян таркибий бўлимида активлардан қандай фойда олаётганини кўрсатади ва у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$PK = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Жами активлар}} \times 100\% \quad (1)$$

Масалан, “O‘zagrolizing” АЖнинг 2023 йилги йиллик ҳисоботида кўра, соф фойда 21,3 млрд сўмва жами активлар 912,4 млрд сўмни ташкил этган ҳолда рентабеллик коэффиценти  $PK \approx 2,34\%$  га тенг бўлган. Бу кўрсаткич нисбатан паст бўлиб, ички аудит текширувига эҳтиёж борлигини билдиради.

Иккинчидан, ликвидлик коэффиценти (жорий ликвидлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш имкониятини аниқлашда муҳим рол ўйнайди. Шу боис, кенг қўлланилади ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Жорий ликвидлик} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} \quad (2)$$

Ушбу кўрсаткичнинг 1,5 дан паст бўлиши ликвидлик хавфи мавжудлигини англатади. Масалан, “Gross insurance” АЖнинг 2022 йилги балансида жорий активлар 46,1 млрд сўм ва жорий мажбуриятлар 39,2 млрд сўмга тенг бўлган ҳолатда мазкур коэффицент 1,18 ни ташкил этган. Демак, бу эҳтиёткорлик ички аудит ёндашувини талаб қилади.

Учинчидан, корхона фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда фойданинг ўзгарувчанлик коэффиценти муҳим аҳамият касб этади ва у икки йил оралиғида фойданинг нисбий ўзгариш даражасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Ўзгарувчанлик} = \frac{\text{Фойда}_t}{\text{Фойда}_{t-1}} \times 100\% \quad (3)$$

Масалан, агар “Uzbekistan Airways” АЖда 2022 йилда соф фойда 15 млрд сўм, 2023 йилда эса 8 млрд сўм бўлган ҳолатда, ўзгарувчанлик коэффиценти 46,7% ни ташкил қилади. Бу эса салбий ўзгариш динамикасини англатади ва юқори хавfli объект сифатида тан олишни тақозо қилади.

Тўртинчидан, мажбуриятларнинг активларга нисбатини ифодаловчи муҳим кўрсаткич сифатида қарзни қоплаш коэффиценти корхонадаги жорий молиявий хавфларни аниқлаш имконини беради ва у қуйидаги формула орқали топилади:

$$\text{Қарз даражаси} = \frac{\text{Жами мажбуриятлар}}{\text{Жами активлар}} \times 100\% \quad (4)$$

Ушбу кўрсаткич 50% дан юқори бўлса, қарзга қарамлик юқори ҳисобланади. Мисол учун, “Uzbekistan Airways” АЖда 2023 йил якунида бу кўрсаткич 54% бўлган, бу эса ички аудитда асосий эътиборни молиялаш ва мажбуриятларга оид маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борадаги муаммоларни ҳал этиш чоратадбирларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бешинчидан, айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти корхонанинг ўз капиталидан қандай самарали фойдаланаётганини акс эттиради ва қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\text{Айланиш коэффициенти} = \frac{\text{Соф тушум}}{\text{Ўртача айланма маблағлар}} \quad (5)$$

Агар, ушбу коэффициент, масалан, 2 дан паст бўлса, бу корхона капиталидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлигини англатади ва ички аудиторлар хизматларини такомиллаштириш талаб қилинади. Таҳлил кўрсатишича, масалан, “O‘zagrolizing” АЖнинг айрим йиллардаги фаолиятида ушбу коэффициент 1,7 атрофида бўлиб, ички аудит ўтказиш жараёнларини режалаштиришда асосий омил сифатида ҳисобга олинган.

Юқоридаги параметрлар ёрдамида ички аудит объектининг хавф профили аниқланади ва улар таҳлили орқали ички аудитни қайси бўлим ёки фаолият сегментига йўналтириш, ички аудит қамровини ва чуқурлигини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Уларни реал амалиётга тадбиқ этиш ички аудитнинг натижадорлиги ва мақсадлилигини баҳолаш ва оширишга хизмат қидаи. Зарурат бўлган ҳолатларда, ҳар бир параметр бўйича аниқ корхона ички аудит таҳлилинини ҳам амалга ошириш мумкин. Ушбу ёндашув ва коэффициентларга асосланган ҳолда “Uzbekistan Airways” АЖ, “Gross insurance” АЖ ҳамда “O‘zagrolizing” АЖлар фаолияти таҳлил қилинди ва хавфлар бўйича устуворлик даражалари баҳоланди (3-жадвал).

3-жадвал.

### Ички аудит объектларини хавф кўрсаткичлари асосида саралаш ва хавф даражаси<sup>12</sup>

№	Корхона номи	РК (%)	Қарз даражаси (%)	Фойда ўзгариши (%)	Жорий ликвидлик	KRI баҳоси (1-5)	Умумий балл	Хавф даражаси
1.	“Uzbekistan Airways” ОАЖ	1,8	54	-46,7	1,2	4,5	83	Юқори
2.	“O‘zagrolizing” ОАЖ	2,3	48	+12,6	1,5	3,8	66	Ўртача
3.	“Gross insurance” ОАЖ	3,1	38	+4,2	1,8	3,2	55	Паст

4-жадвал маълумотларига асосан “Uzbekistan Airways” АЖда соф фойда кескин камайган, ликвидлик даражаси паст, молиявий барқарорлигини нисбатан юқори ва хавф даражасини юқори деб баҳолаш мақсадга мувофиқ. Шунга асосан ички аудит гуруҳига операцион, молиявий ва кредит хавфларининг юқорилигини эътиборга олган ҳолда ушбу сегментларга боғлиқ ички аудит хизматларини белгилаш зарур. Шу тарзда ички аудит режаси “хавфга асосланган” алгоритм бўйича амалга оширилади. “O‘zagrolizing” АЖ фаолиятида фойданинг ўсиш суръатини кўриш мумкин, аммо молиявий барқарорлик ва ликвидлик чекланган. Хавф ўртача деб баҳоланган, аммо, бунда рискнинг мониторинг механизмлари

<sup>12</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

ўрганилиши зарур. “Gross insurance” АЖ нисбатан барқарор кўрсаткичларга эга бўлиб, умумий хавф даражаси паст деб баҳоланган ва шунга кўра ички аудитни айрим соҳаларда амалга ошириш мумкин бўлади (4-жадвал).

4-жадвал.

**Риск индикаторлари асосида хавфлар мониторинги<sup>13</sup>**

Корхона	Риск турлари	Асосий индикаторлар	2024 й. кўрсаткичи	Изоҳ (таҳлил)
“Uzbekistan Airways” АЖ	Молиявий	Чипта сотувлари динамикаси	-8 %	Мавсумий пасайиш, туризм оқимининг камайиши
		Валюта курсига боғлиқ ёқилғи харажати	+12 %	Валюта курсининг ошиши сабабли харажат кўпайган
		Нақд пул оқими	+6 %	Сотувдаги умумий ўсиш
	Операцион	Рейс кечикишлари (кунлик)	4 та	Техник хизматдаги муаммолар таъсири
		Техник хизмат носозликлари (ҳафталик)	2 та	Режалаштирилган профилактика ишларини кучайтириш зарур
		Экипаж иш вақти меъёрдан оғиши	-2 %	Нормага нисбатан камайиш ижобий
	Ахборот хавфсизлиги	Хакерлик хужумлари	2 та	Кўшимча киберхавфсизлик чоралари талаб этилади
		Сервер узилишлари (ойлик)	-1 та	Барқарор ишлаш
	Стратегик/ бозор	Рақобатчиларнинг маркетинг стратегиялари ўзгариши	+7 %	Рақобат кучаймоқда
Йўловчи оқими тренди		-5 %	1-йрим йилликда пасайиш	
“Gross insurance” АЖ	Молиявий	Даъво частотаси	+5 %	Суғурта ҳодисалари сонининг ошиши эҳтиёт чораларини талаб қилади
	Операцион	Даъво аризаларини кўриб чиқиш ўртача муддати	1,8 кун	Аввалги даврга нисбатан тезроқ, жараён самарадорлиги ошган
		Даъво жараёнидаги хатоликлар улуши	4 %	Ички назоратни кучайтириш зарур
	Ахборот хавфсизлиги	Хакерлик хужумлари	1 та	Ўртача хавф даражаси, мунтазам мониторинг талаб этилади
	Стратегик / бозор	Рақобатчилар бозор улуши ўзгариши	+3 %	Бозор ўсиш тенденциясида, рақобат кучаймоқда

Шунингдек, ички аудит ўтказиш жараёнини “онлайн” мониторинг билан уйғунлаштириш ҳам ички аудит фаолиятининг самарадорлигини оширувчи ва хавфларни реал вақт режимида аниқлаш, уларни ҳал этиш имконини берувчи стратегик модели ёндашувдир. Бироқ, ушбу модел замонавий технологиялар,

<sup>13</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

яъни, ERP, BI молиявий таҳлил моделлари, масофавий кузатув панели ва сунъий интеллект воситалари билан интеграциялашган бўлиши лозим. Ушбу модели тизимлар корхонанинг асосий молиявий кўрсаткичлари, операцион жараёнлари, харажатлар динамикаси, айланма маблағлар ҳолати ва рентабеллик даражаси бўйича доимий ахборотлар оқимини тақдим этади, ички аудиторлар эса, ушбу ахборотларни реал вақт режимида баҳолайди ва корхонанинг самарали фаолият юритишини таъминлайди.

Бундан ташқари, бизнингча, ички аудит назорат муҳитини изчил яхшилаш мақсадида ички аудитор ходимлар билан сўровнома ва интервьюлар ташкил қилиш, улар фикр ва таклифларини таҳлил қилиш ҳамда маданиятини баҳолаш учун махсус индикаторлар (масалан, ўз ваколатларини билиши, муаммоларга баҳо бериш ва уларни юқорига етказиш каби масалаларда ташаббус кўрсатиш эркинлиги)дан фойдаланиш самарали усуллардан бўлиб ҳисобланади. Ушбу усул орқали ички аудиторлар корхона ички муҳитини янада чуқурроқ таҳлил қилиш ва уни янада яхшилаш чораларини амалга ошириш имконига эга бўлади.

Диссертация ишининг **“Корхоналарда рискка асосланган ички аудитни ташкил этишни такомиллаштириш”** номидаги учинчи бобида рискларни прогнозлаш орқали улар бўйича корхона раҳбариятига аниқ ва асосли тавсиялар бериш, хавфлар рейтинги моделидан фойдаланиш, аудит ўтказиш режаларини корхонанинг ривожланиш стратегиясига уйғунлаштириш, ички аудит ўтказиш жараёнида хавфга қарши ёндашувлар, аудит прогноз параметрларининг корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш, рискларнинг олдини олиш ва таъсирини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш жараёнларидаги аҳамияти асосланган.

Молиявий барқарорлик корхонанинг узоқ муддат ичида самарали фаолият юритиш қобилиятини белгиловчи муҳим омил бўлиб, рискка асосланган ички аудит тизими ушбу барқарорликни таъминлашда стратегик восита вазифасини бажаради. Чунки, бугунги мураккаб иқтисодий шароитда ички аудит фақатгина текшириш ва хато-камчиликларни аниқлаш функцияси эмас, балки, ресурсларни бошқариш ва улардан тежамли фойдаланиш, молиявий қарорларни қўллаб-қувватлаш ва рискларни прогнозлаш моделларини ҳам ўз ичига олиши зарур. Бунинг учун эса, бизнингча, ички аудитнинг молиявий таҳлил усуллари билан уйғунлашган ҳолда ишлашини таъминлаш ва корхонанинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш учун янгича илмий-услубий ва технологик ёндашувларни жорий этиш муҳим ҳисобланади.

